

## МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ДЕВАЛЬВАЦИЯСИ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Зафар Бердиназаров,**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
ПМТИ докторанти, и.ф.н.  
E-mail: [berdinazarov@mail.ru](mailto:berdinazarov@mail.ru)

**Аннотация:** Мазкур мақола миллий валюта девальвацияси услубиётини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда девальвацияни амалга оширишнинг янги услубиёти таклиф этилган. Ушбу услубиётга асосланган ҳолда миллий валюта курсини шакллантиришнинг ўрта муддатли (2017-2021 йй.) истиқболга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** Настоящая статья посвящена к анализам совершенствования методологических основ осуществления девальвации национальной валюты, и предложены новые методологические подходы осуществления ее. На основе того же методологического подхода разработаны прогнозные расчеты формирования валютного курса на среднесрочный период (2017-2021 гг.).

**Abstract:** This article is devoted for the analysis of the improvement of methodological foundations of the devaluation policy of the national currency, and proposed new methodological approaches to its implementation. On the basis of this methodological approach, there was a developed forecast of the exchange rate formation in the midterm period (2017-2021).

**Калим сўзлар:** девальвация, экспорт ва импорт эластиклиги, реал самарали айирбошлаш курси.

### Кириш

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи галдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий йилнинг 5 сентябридан бошлаб миллий валюта девальвациясини жорий йил бошига (1\$=3231.48 сўм) нисбатан 2.5 бараварга (1\$=8100.00 сўм) оширди.

Марказий банк томонидан миллий валюта алмашув курсини бундай кескин равишда девальвациялашга сабаб бўлган омилларни илмий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш валюта сиёсатининг истиқболдаги самарасини белгилаб берувчи муҳим иқтисодий йўналиш сифатида долзарблик аҳамият касб этади.

Миллий валюта алмашув курсининг бундай даражадаги девальвацияси мамлакат экспорт кўрсаткичларини ҳам қисқа ёки ўрта муддатларда мана шундай кескин даражада оширишга имконият яратадими ёки умуман Марказий банкнинг девальвация сиёсати қандай илмий-услубий (методологик) асосларга

таянган ҳолда амалга ошириляпти, мана шулар ҳақида ўз таҳлилларимизни амалга оширамиз.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республикада мазкур мавзуда айни вақтгача бирорта илмий тадқиқот иши амалга оширилмаган. Аммо унинг айрим жиҳатларини ифодаловчи масалалар, яъни девальвация натижасининг баъзи иқтисодий кўрсаткичларга, хусусан экспорт кўрсаткичларига, инвестиция ва жамғармаларга бўлган таъсири бир қатор маҳаллий иқтисодчи олимлар, жумладан С.Чепель, Н.Сиражиддинов, Т.Бобоқуловлар томонидан ўрганилган [1-5].

Худди шунингдек, айнан ушбу мавзу хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилмаган. Лекин унинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини кенгроқ очиб беришга бағишланган тадқиқотлар бир қатор хорижий иқтисодчи олимларнинг, жумладан Р.Дорунбуш, М.Чин, В.Торбек, В.Миронов, А.Киреев ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган [6-10].

Хусусан, Р.Дорунбуш ўзининг “Девальвация, пул ва носавдо товарлари” номли асарида девальвация жараёнига “монетар” феномен сифатида ёндашиб, икки мамлакат ўртасида савдо ва носавдо туридаги товар ва хизматлар нархлари нисбатининг (нисбий харид қобиляти паритети) ўзгаришини айнан девальвация таъсирида юз бериши ва бу ўзгариш шу товар ва хизматларни экспортдан келадиган валюта таклифи ва талабига боғлиқ ҳолда кечишини ёритиб берган. Шунингдек, муаллиф носавдо ва савдо туридаги товар ва хизматларнинг жами савдо айланмасидаги улушига ҳамда реал пул массасининг реал даромаддаги (ЯИМга нисбатан) улушига алоҳида эътибор қаратган. Муаллиф ўз тадқиқотида носавдо хусусидаги товар ва хизматлар ҳақида фикр билдирганда асосан трансфертлар (пул ўтказмалари) оқими билан боғлиқ жараёнларга эътибор қаратган.

Муаллиф тадқиқот натижасида қуйидаги асосий хулосаларни шакллантирган: девальвация жараёнида пул массасининг ўрни ва роли жуда муҳим аҳамиятга эга; пулга бўлган талаб ва таклиф (маҳаллий ва чет элда) ҳамда унинг таъсиридаги нарх-навонинг ўзгариши товар ва хизматлар экспортга сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, миллий валютанинг девальвацияланиши ёки ревальвацияланишига олиб келиши мумкинлиги. Девальвация пулнинг реал қийматини камайтирувчи (пасайтирувчи) муҳим монетар омил ҳисобланар экан, у товар ва хизматларнинг нисбий баҳосининг ўзгаришига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, девальвациянинг таъсири савдо ва носавдо хусусиятидаги товар ва хизматлар таркибига ўта сезувчандир. Шу боис, улар доимий равишда мониторинг кузатувлари остида бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган.

Мензи Чин ўзининг “Япония учун экспорт-импорт эластиклиги: янгича ёндашув” номли тадқиқот ишида Япония ташқи савдо операцияларининг (экспорт-импорт) реал эффектив валюта курсига (нархлар нисбати) ва ЯИМга (даромадлар нисбати) нисбатан эластиклигини таҳлил қилиб, унда сезиларли даражадаги барқарор статистик боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида хулосага

келган. Хусусан, Япониянинг экспорт эластиклиги 0.7 коэффицентни, импорт эластиклиги эса 0.3 коэффицентни ташкил қилиб, Маршалл-Лернер шартига мос келиши таъкидланган.

Биз ўз тадқиқот объектимиздаги масалани, яъни миллий валюта девальвацияси услубиётини такомиллаштириш масаласини юқорида номлари қайд этилган мана шу икки иқтисодчининг шу мавзуга алоқадор хулосалари бўйича очиб беришга ҳаракат қиламиз.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот методологиясининг назарий жиҳати Маршалл-Лернер шартига асосланган бўлиб, унда экспорт ва импорт алоқаларининг эластиклик кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Унинг амалий жиҳати эса ушбу таҳлил жараёнининг реал самарали айирбошлаш курси (РСАК)га нисбатан амалга оширилиши билан белгиланади. Хусусан, қуйидаги кетма-кетлик жараёни тадқиқот усул ва услубиётини ташкил этади: 1) мамлакатнинг муайян даврга (қисқа, ўрта ёки узок) мўлжалланган экспорт ва импорт товар таркибининг йиллик соф ўсиш ёки камайиш прогноз кўрсаткичлари аниқланади. Прогноз кўрсаткичлари ҳар хил вариантда ишлаб чиқилиши мумкин ва улар ичидан энг мақбул вариант танлаб олинади; 2) РСАКнинг худди шундай даврлар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилади ва улар ичидан энг мақбул вариант аниқланади; 3) аниқланган экспорт ва импорт товар таркибининг соф ўсиш ёки камайиш прогноз кўрсаткичлари РСАКга нисбатан эластиклиги аниқланади; 4) аниқланган ушбу прогноз кўрсаткичлари дисперсияга солиниб, уларнинг юқори ва қуйи чегаралари, вариация фарқи, ялпи ва танлов дисперсиялари, уларнинг ўртача чизиқли оғиш ва ўртача квадрат оғиш даражалари аниқланади; 5) аниқланган ушбу кўрсаткичлар доирасида миллий валютани девальвациялаш ёки ревальвациялаш бўйича муайян қарор қабул қилинади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Юқорида биз миллий валюта алмашув курсининг кескин равишда девальвациялашига сабаб бўлган омилларни илмий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришни валюта сиёсатининг истиқболдаги самарасини белгилаб берувчи муҳим иқтисодий йўналиш сифатида алоҳида таъкидлаб ўтган эдик. Шу боис, таҳлилимизни айнан мана шу жиҳатга қаратган ҳолда бошлаймиз.

Назаримизда, жорий йилнинг сентябрь ойига келиб Марказий банк томонидан миллий валютани кескин девальвацияланишига сабаб бўлган асосий омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатда жорий халқаро операциялар бўйича валюта чекловларининг босқичма-босқич кучайтириб борилганлиги (вахоланки, Ўзбекистон 2003 йилда ХВФ Битимлар Келишувининг VIII-моддасини, яъни “Жорий халқаро операциялар” бўйича эркин конвертацияни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган эди);

- жорий халқаро операциялар бўйича чекловларнинг кучайтириб борилганлиги, ўз навбатида, иқтисодиётда “қора бозор” валюта курсининг шаклланишига ва унинг расмий курсдан кескин фарқланишига таъсир кўрсатганлиги;

- “қора бозор” фаолияти, том маънода, валютага бўлган талаб ва таклиф эгри чизикларини субъектив равишда мувофиқлаштиришга хизмат қилганлиги;

- Ушбу субъектив мувофиқлик омили хуфиёна иқтисодиётнинг фаоллашувига, носоғлом рақобатнинг кучайишига, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасининг кенгайишига, нарх-навонинг кескин ошишига, миллий валюта харид қобилиятининг пасайишига, аҳоли реал даромадларининг камайишига таъсир этганлиги ва бошқалар.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Сунъий равишда, маъмурий йўл билан валюта чекловини жорий қилиш орқали шакллантирилган “қора бозор” валюта алмашув курсини талаб ва таклиф натижасида шаклланган реал курс сифатида қараб, расмий курсни унга тенг қилган даражада кескин девальвациялаш тўғри йўл ҳисобланадими?

Назаримизда, бундай ёндашув тўғри йўл ҳисобланмайди. Чунки, “қора бозор”даги мавжуд ҳолат айнан бозор механизми таъсирида вужудга келган эмас. Унинг пайдо бўлишига маъмурий бошқарув механизмининг таъсири юқори бўлган. Бошқача айтганда, маъмурий бошқарув механизми таъсирида валюта чекловларининг жорий этилиши асосий сабаб бўлган. Айниқса, нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида ўрнатилган чекловлар ушбу йўналишдаги энг муҳим омиллардандир. Агар ушбу йўналишларда валюта чекловлари мавжуд эмас деб, фараз қилганимизда, у ҳолда валюта курси жорий халқаро операциялар тенденциясига, аниқроғи эса уларнинг эластиклик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда шаклланган бўлар эди.

Аmmo шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, амалдаги мавжуд девальвация сиёсатининг услубий асослари жорий халқаро операцияларнинг эластиклик кўрсаткичларига асосланмаган (фикримизнинг исботини тадқиқотимизнинг хулоса қисмидан билиб оласиз). У асосан ҳар кейинги йил учун қабул қилинадиган монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланадиган тор доирадаги чоратадбирлар режаси билан чекланган. Фикримизнинг исботи сифатида биргина мисол келтирамиз. Марказий банк томонидан ҳар келгуси йил учун монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари бўйича эълон қилинадиган расмий маълумотларнинг 2006-2017 йиллардаги<sup>1</sup> эмперик таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, миллий валютанинг девальвациясига бўлган услубий ёндашув асосан расмий маълумотда келтирилаётган қандайдир мавҳумлик кўрсаткичи доирасида, яъни коридорида босқичма-босқич девальвация қилиниши орқали мамлакат экспортёрлари рақобатбардошлигини рағбатлантириш мумкинлиги билан ифодланган.

Айнан мана шундай мавҳумлик коридорига ёки ўзининг асосига эга бўлмаган эҳтимолий кўрсаткичга таяниб амалга оширилган девальвация жараёни сўнгги ўн етти йил (2000-2016 йй.) давомидаги экспорт кўрсаткичлари эластиклигига ўзининг сезиларли даражадаги таъсирини кўрсата олмаган (1-расм).

<sup>1</sup> Марказий банк расмий веб сайтида монетар сиёсатга алоқадор маълумотлар 2006 йилдан бошлаб эълон қилинган (<http://cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/doklad-o-monetarnoy-politike/>).



### 1-расм. Экспорт-импорт кўрсаткичларининг РСАКга нисбатан эластиклик кўрсаткичлари

**Манба:** муаллиф ҳисоб-китоби. Ҳисоблаш услубиёти: экспорт ва импорт кўрсаткичларининг йиллик ўсиш сурати реал самарали айирбошлаш курсига (РСАК) бўлиш орқали ҳисобланган.

Ушбу расм маълумотларидан кўришиб турибдики, экспорт кўрсаткичларининг эластиклиги таҳлил қилинаётган даврларда 0.1 коэффициентдан 0.4 коэффициентгача кўтарилган холос. Маршалл-Лернер шарти бўйича экспорт ва импорт эластиклик кўрсаткичлари 1.0 коэффициентдан катта бўлсагина, девальвациянинг таъсир самарадорлигини кузатиш мумкин бўлиши таъкидланган [2-3]. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи йилларда, яъни 2000, 2001, 2002, 2012, 2014, 2015 ва 2016 йилларда экспорт кўрсаткичлари умуман ноэластиклик аҳамиятга эга бўлган. Ваҳоланки, ўша йилларда миллий валюта курсининг ўртача йиллик девальвацияси мос равишда 78.0%, 80.9%, 80.1%, 10.1%, 10.4%, 11.2% ва 15.4% даражасида бўлган<sup>2</sup>. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, миллий валюта девальвацияси услубиёти ўзининг пухта ишлаб чиқилган илмий асосларига эга эмас. Унга тор доирада муносабат билдириш, охир оқибатда, макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, девальвация жараёнини кенг маънодаги монетар феномен сифатида қабул қилиб, унга таъсир этувчи омиллар тизимини илмий асосларда чуқур таҳлил этиб, унинг услубиётини ишлаб чиқиш зарур.

Девальвация жараёнига таъсир этувчи омиллар тизимига экспорт ва импорт эластиклик омилини ҳам киритиш мумкин. Ушбу омилнинг асос сифатида олинишидан мақсад, бу унинг нафақат валютага бўлган талаб ва таклиф мувозанатини шакллантирувчи муҳим омил эканлиги, шу билан бирга у мамлакатдаги кенг пул массасига бевосита ва билвосита таъсир этувчи етакчи омиллардан ҳам саналиши инobatга олинган. Кенг пул массаси эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унга таъсир ўтказувчи етакчи монетар воситалардан бири ҳисобланади.

<sup>2</sup> Марказий банк электрон сайтида эълон қилинган валюта курслари маълумотлари асосида ҳисобланган. Муаллифнинг девальвация сиёсатига оид кенг камровли таҳлилий мақоласи билан қуйидаги веб сайт саҳифада танишиш мумкин <http://www.bfajournals.uz>.



## Хулоса ва таклифлар

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда миллий валюта девальвацияси услубиётини қуйидаги илмий асосларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан**, девальвациянинг пировард натижасига қаратилган устувор мақсадни аниқлаш/белгилаш.

**Иккинчидан**, унинг ҳаракат тавсифи (*асос, меъёр, тамойил, шарт-шароит, усул, услубиёт ва б.*) ва таснифининг (*объект, субъект, шакл-шамойил, даврийлик ва б.*) хусусиятларини аниқлаштириш ва шакллантириш. Девальвациялашнинг ҳаракат тавсифи ва таснифининг хусусиятларини аниқлаштириш ва шакллантиришда экспорт ва импорт кўрсаткичлари эластиклигидан фойдаланиш мумкин<sup>3</sup>.

**Учинчидан**, режалаштирилаётган девальвация даражаси кўрсаткичининг реал сектор, пул-кредит, солиқ-бюджет ва ташқи иқтисодий алоқалар сектори кўрсаткичларига “ўзгарувчан” ва “ўзгармас” шароитларда таъсир этиш ҳолатини эконометрик таҳлил орқали текшириш (корелляция, регрессия, дисперсия ва бошқа таҳлиллар орқали) ҳамда прогноз кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тўртинчидан**, аниқланган ва шакллантирилган натижалар бўйича миллий валютани девальвациялаш борасида муайян қарор қабул қилиш.

Юқоридаги ушбу услубиётга асосланган ҳолда биз миллий валютани девальвациялаш даражасини ўрта муддатли истиқболда (2017-2021 йй.) икки хил вариантда, яъни “**нобарқарор**” ва “**барқарор**” вариантларда ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик:

**биринчи вариант** – “**нобарқарор ҳолат**”, яъни охириги уч йилда экспорт ҳажмининг кескин пасайиши ва эластиклик кўрсаткичларининг ёмонлашиши ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган.

**иккинчи вариант** – “**барқарор ҳолат**”, яъни 2017 йил ва ундан кейинги йилларда экспорт товар таркиби эластиклигининг барқарор 2%лик ўсиш сурати сақланиши фараз қилинган ҳолда таҳлил қилинган.

Реал самарали айирбошлаш курсининг прогноз кўрсаткичлари ҳам икки хил вариантда, яъни “одатдаги” (2%ли пасайиш) ва “тезкор” (4%ли пасайиш) вариантларда ҳисоб-китоб қилинган.

Журнал доирасида мақоланинг чекланган ҳажмини инобатга олган ҳолда ушбу мақоламиз доирасида биз фақатгина РСАКнинг “одатдаги”, яъни йилига 2%ли пасайиш прогноз кўрсаткичлари варианты бўйича амалга оширилган таҳлиллар ва улар бўйича олинган натижаларга тўхталиб ўтамиз.

Юқоридаги **биринчи вариантда** экспорт товар таркибининг соф ўсиш ёки камайиш прогноз кўрсаткичлари қуйидагича аниқланган: ҳар бир прогноз йил учун экспорт ва импорт товар таркибининг соф ўсиш/камайиш сурати охириги

<sup>3</sup> Муаллиф талқини. Экспорт ва импорт эластиклик хусусиятини иқтисодий таъсир этиш воситаси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Чунки, у валютага бўлган талаб ва таклифни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи муҳим монетар омил сифатида юзага чиқмоқда. Унинг юқори ва қуйи чегаралари мавжуд бўлиб, улар тартибга солиниб турилиши мумкин. Эластиклик коэффициентининг асосиз оширилиши ёки камайтирилиши валютага бўлган талаб ва таклиф муносабатининг бузилишга, ва аксинча унга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш иқтисодий ҳолатни мувозанатлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Монетар орган бошқа иқтисодий орган ёки агентлардан фаркли ўларок, ушбу эластиклик коэффициентини узлуксиз мониторинг қилиш ва унга таъсир этиш имкониятига эгадир.

уч йилликдаги ўртача кўрсаткич бўйича ҳисобланган. Мисол учун, 2017 йил учун – 2014-2016 йиллардаги ўртача кўрсаткичлар олинган бўлса, 2018 йил учун - 2015-2017 йй.; 2019 йил учун - 2016-2018 йй.; 2020 йил учун - 2017-2019 йй.; 2021 йил учун – 2018-2020 йиллар олинган. Ушбу вариантнинг натижалари куйидаги 1.1-жадвал ва 1.1-расм маълумотларида келтирилган.

### 1-жадвал

#### “Нобарқарор ҳолат” варианты бўйича миллий валютани девальвациялаш даражаси (РЭВКнинг пасайиш прогнози 2% - одатдаги вариант)

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Дисперсиянинг ўртача квадрат оғиш даражаси бўйича ҳисобланган валюта курси (1-ёндашув)	145	353	1 859	6 548	9 472	11 285	13 941	17 916	22 228	28 054
ўртача квадрат оғиш даражаси бўйича девальвация даражаси, %да	8%	11%	40%	22%	45%	19%	24%	29%	24%	26%
Дисперсиянинг ўртача чизикли оғиш даражаси бўйича ҳисобланган валюта курси (2-ёндашув)	143	306	1 168	3 355	4 626	5 402	6 522	8 022	9 672	11 794
ўртача чизикли оғиш даражаси бўйича девальвация даражаси, %да	7%	10%	34%	19%	38%	17%	21%	23%	21%	22%
Юқори эластиклик коэфф.	0,2	0,4	1,1	-0,1	1,0	0,2	0,4	0,6	0,4	0,5
Қуйи эластиклик коэфф.	0,0	0,0	-0,3	-0,7	-0,5	-0,3	-0,4	-0,4	-0,4	-0,4
Фарқ вариацияси	0,2	0,3	1,3	0,7	1,5	0,6	0,7	1,0	0,8	0,9
ўртача чизикли оғиш, коэфф.	0,1	0,1	0,3	0,2	0,4	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
дисперсия (ялли)	0,0	0,0	0,2	0,0	0,2	0,0	0,1	0,1	0,1	0,1
дисперсия (танлов бўйича)	0,0	0,0	0,2	0,1	0,2	0,0	0,1	0,1	0,1	0,1
ўртача квадрат оғишдаражаси, коэфф.	0,1	0,1	0,4	0,2	0,4	0,2	0,2	0,3	0,2	0,3
Танлов дисперсиясидан ўртача оғиш даражаси	0,1	0,1	0,4	0,2	0,5	0,2	0,3	0,3	0,3	0,3
Жорий усул бўйича валюта курси, сўм	325	1 180	1 640	2 810	3 231					
девальвация даражаси, %	132,1	11,5	8,5	16	15					
1-усул бўйича фарқ, сўм	180,2	826,9	219,1	3737,8	6240,1					
2-усул бўйича фарқ, сўм	182,1	874,2	471,5	-545,4	1394,7					

Изоҳ: дисперсия кўрсаткичлари асосида келтирилатган ушбу валюта курсининг кўрсаткичлари ўтган 2000-2016 йиллар ва келгуси 2017-2021 йиллар учун экспорт эластиклиги нуқтаи назаридан қайта ҳисоб-китоб қилинган. Олинган натижалар жадвалнинг пастроғида келтирилган ўша даврларга хос бўлган кўрсаткичлар билан таққосланган. Ушбу изоҳ кейинги жадвал маълумотлари учун ҳам ҳосдир.


Таклиф этилаётган услубийётнинг хусусияти валюта курси режимини эркинлаштириш бўйича олиб борилаётган мақсадли сиёсатга боғлиқ равишда ўзгариши мумкин. Агар монетар орган валюта курси режимини эркинлаштиришнинг “шок терапия” усулидан фойдаланишни мақсад қилса, у ҳолда валюта курси девальвациясини дисперсиянинг ўртача квадрат оғиш (1-ёндашув) даражаси бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Агар монетар орган ушбу жараёни босқичма-босқич, яъни “физ-терапия”<sup>4</sup> усулидан фойдаланишни мақсад қилса, у ҳолда валюта курси девальвациясини дисперсиянинг ўртача чизикли оғиш (2-ёндашув) даражаси бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги ҳар иккала ҳолатга муқобил бўлган 3-ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, у дисперсиянинг ўртача чизикли ва ўртача

<sup>4</sup> Муаллиф талқини.

квадрат оғиш даражалари оралиғидаги (коридоридаги) ўртача кўрсаткичларга асосланган вариантни назарда тутди.

Мавжуд ҳолатларни инобатга олган ҳолда валюта курсини қуйидагича прогноз қилиш мумкин: 1-ёндашувга кўра, унинг курси 2016 йил охиридаги 3231.0 сўмлик қийматдан 2017 йил охирига келиб 11285.0 сўмлик қийматни ёки 349% атрофидаги девальвацияланиш даражасини ҳосил қилиши мумкин; 2-ёндашувга кўра, у 5402.0 сўмни ёки 167.2% даражасида девальвацияланиши мумкин; 3-ёндашувга кўра эса у ўрта ҳисобда 8343.5 сўмни ёки 258.2% атрофидаги девальвацияни ҳосил қилиши мумкин.

Қуйидаги расм маълумотларида ушбу натижалар таъсирида шаклланган экспорт ва импорт товар таркибининг эластиклик кўрсаткичлари келтирилган.



**2-расм. “Нобарқарор ҳолат” варианты бўйича экспорт ва импорт товар таркибининг эластиклиги**

Мазкур расм маълумотларидан кўриниб турибдики, экспорт товар таркибидаги озиқ-овқат ва бошқа товарларнинг эластиклиги 2017-2019 ва 2021 йилларда ўсиш трендини кўрсатмоқда (2016 йилдаги 0.2 коэф.дан 2019 йилдаги 0.5 коэф.га ошиши). Хизматлар эластиклиги нисбатан паст бўлишига қарамасдан барқарор сақланиб қолмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, амалда иқтисодийётни фаол модернизациялаш ва соғломлаштириш сиёсати тезкор суратлар билан амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда машина ва асбоб-ускуналар экспорти эластиклигида 2019 йилга келиб ижобий тенденцияни кузатиш мумкин. Импорт товар таркибида асосан қора ва рангли металллар эластиклиги кескин тебранишларга эга. 2017 йилда ушбу товарларга бўлган талаб эластиклиги энг юқори даражага кўтарилиши мумкин (0.8 коэф.). Машина ва асбоб-ускуналар ва кимё маҳсулотларига бўлган талаб эластиклиги ҳам нисбатан фаоллашиши мумкин, аммо кескин даражада тебранмайди.

Энди прогноз кўрсаткичларимизни **иккинчи вариант** “барқарор ҳолат” бўйича қараб чиқамиз (2-жадвал ва 3-расмларга қаранг).




2-жадвал

**Барқарор ҳолат” варианты бўйича миллий валютани девальвациялаш даражаси (РЭВКнинг пасайиш прогнози 2% - одатдаги вариантда)**

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Дисперсиянинг ўртача квадрат оғиш даражаси бўйича ҳисобланган валюта курси (1-ёndoшув)	145	353	1 859	6 548	9 472	13 874	20 585	30 949	47 167	72 893
ўртача квадрат оғиш даражаси бўйича девальвация даражаси, %да	8%	11%	40%	22%	45%	46%	48%	50%	52%	55%
Дисперсиянинг ўртача чизиқли оғиш даражаси бўйича ҳисобланган валюта курси (2-ёndoшув)	143	306	1 168	3 355	4 626	6 450	9 096	12 980	18 749	27 423
ўртача чизиқли оғиш даражаси бўйича девальвация даражаси, %да	7%	10%	34%	19%	38%	39%	41%	43%	44%	46%
Юқори эластиклик коэф.	0,2	0,4	1,1	-0,1	1,0	1,0	1,1	1,1	1,2	1,2
Қуйи эластиклик коэф.	0,0	0,0	-0,3	-0,7	-0,5	-0,5	-0,6	-0,6	-0,6	-0,6
Фарқ вариацияси	0,2	0,3	1,3	0,7	1,5	1,6	1,6	1,7	1,8	1,8
ўртача чизиқли оғиш даражаси, коэфф.	0,07	0,10	0,34	0,19	0,38	0,39	0,41	0,43	0,44	0,46
дисперсия (ялли)	0,0	0,0	0,2	0,0	0,2	0,2	0,2	0,3	0,3	0,3
дисперсия (танлов)	0,0	0,0	0,2	0,1	0,2	0,2	0,3	0,3	0,3	0,3
ўртача квадрат оғиш даражаси, коэфф.	0,08	0,11	0,40	0,22	0,45	0,46	0,48	0,50	0,52	0,55
Танлов бўйича ўртача оғиш даражаси	0,1	0,1	0,4	0,2	0,5	0,5	0,5	0,5	0,6	0,6
Жорий усул бўйича валюта курси, сўм	325	1 180	1 640	2 810	3 231					
девальвация даражаси, %	132,1	11,5	8,5	16	15					
1-усул бўйича фарқ, сўм	180,2	826,9	219,1	3737,8	6240,1					
2-усул бўйича фарқ, сўм	182,1	874,2	471,5	-545,4	1394,7					

Мазкур жадвалдаги умумий ҳолат юқоридаги 1-жадвалда қайд этилган изоҳли шартларга асосланади, бу ерда фақат экспортнинг барқарор ўсиш суратлари сақланиши назарда тутилади. Мана шундай ҳолатда валюта курсини девальвация ҳисобидан қуйидагича прогноз қилиш мумкин: 1-ёndoшувга кўра, унинг курси 2016 йил охиридаги 3231.0 сўмлик қийматдан 2017 йил охирига келиб 13874.0 сўмлик қийматни ташкил қилиши ёки 429.4%га девальвацияланиши мумкин; 2-ёндашувга кўра, у 6450.0 сўмга ёки 199.6% даражасида девальвацияланиши мумкин; 3-ёндашувга кўра эса у ўрта ҳисобда 10162.0 сўмни ёки 314.5% атрофидаги девальвацияни ҳосил қилиши мумкин. Натижаларнинг эластиклик кўрсаткичлари қуйидаги расм маълумотларида келтирилган.



### 3-расм. “Барқарор ҳолат” варианты бўйича экспорт ва импорт товар таркибининг эластиклиги

Мазкур расмлардан кўриниб турибдики, “Барқарор ҳолат”даги вариантда экспорт ва импорт товар таркибининг эластиклик кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга (эластиклик чизиқларининг траекториясига эътибор беринг). Барқарорлик ҳолати вариантыда девальвация ҳисобидан деярли барча экспорт товар таркиби бўйича эластикликни ошириш мумкин (ўрта ҳисобда уларнинг эластиклик кўрсаткичи 2017-2021 йиллар оралиғида 0.8 коэффициентни ташкил қилиши мумкин). Импорт товар таркибида ҳам 4та гуруҳ бўйича, кимё маҳсулотлари, кора ва рангли металллар, машина ва асбоб-ускуналар ҳамда бошқа товар гуруҳлари бўйича талаб эластиклигини ошириш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Чепель С.В. Либерализация валютного рынка в Узбекистане и перспективы укрепления потенциала экономического развития. Экономика Узбекистана. - Ташкент 2003 г. стр.74-84.
2. Chepel S. Foreign Currency Policy of Uzbekistan. Economic Trend, Uzbekistan, Oct. – Dec. 1998.
3. Чепель С.В. Макроэкономические аспекты укрепления национальной конкурентоспособности в эпоху глобализации. Экономический вестник Узбекистана, №10, Ташкент 2003 г.
4. Сиражиддинов Н. На пути к конвертации национальной валюты. Экономическое обозрение, №8, Ташкент 2002.
5. Бабакулов Т.И. Проблемы обеспечения стабильности курса национальной валюты в Республике Узбекистан и пути их решения. Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ташкент, 2008.
6. Rudiger Dornbusch. (1973). Devaluation, money and nontraded goods. The American economic review, volume 63, issue 5. p.871-880.
7. Chinn M.D. Export and Import Elasticities for Japan: New Estimates. Working Paper Series. La Follette School Working Paper №2013-004. University of Wisconsin, Madison and NBER (<http://www.lafollette.wisc.edu/publications/workingpapers>)

8. Thorbecke W. Estimating Trade Elasticities for World Capital Goods Exports. Research Institute of Economy, Trade and Industry. RIETI Discussion Paper Series, no.12-E-067. October 2012. Available at <http://www.rieti.go.jp/en/>.

9. Mironov V. Russian devaluation in 2014–2015: Falling into the abyss or a window of opportunity? Russian Journal of Economics, 2015, vol. 1, issue 3, Pages 217-239. <https://doi.org/10.1016/j.ruje.2015.12.005>

10. Киреев А. П. Международная экономика: открытая экономика и макроэкономическое программирование. В двух частях. Часть вторая. - М.: Международные отношения. 2001. с.488

11. Бердиназаров З. Девальвация воситасининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири ва уни такомиллаштириш масалалари. “Молия ва банк иши” илмий электрон журнали. 7-сон, 2017 йил. 42-63-бетлар <http://www.bfajournals.uz>.